

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ЮРИТИШДА ПОКУРОР ИТИРОКИ

“Кассация” - (фрц. “casser” – синдираман, бартараф этаман), қонуний қучга қирган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, адолатлилиги, асослилигини текширишдан иборат бўлган суднинг мустақил босқичидир¹.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг такомиллаштириб борилиши билан, жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларида, шу жумладан, кассация инстанцияси судида иш юритиш нафақат қуйи суд ҳужжатлари бўйича шикоят ёки протест бериш шаклларида бирига балки, суд ҳатоларини тузатишнинг муҳим воситасидан бирига айланиб бормоқда.

Жиноят процессининг ушбу босқичи суд ҳатоларини аниқлаш ва бартараф этиш, адолатни тиклаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш, давлатда ҳуқуқ ва қонунийлик ҳамда ҳуқуқ тартиботни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади².

Кассация тартибида иш юритиш ишда иштирок этувчи шахслар шикояти (протести) бўйича суд ҳатоларини аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи инстанция судининг иш сифатини оширишга ҳамда суд амалиётини қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда бир хилда бажарилишига имкон беради.

Жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясида иш юритиш одил судловни амалга ошириш, жиноят ишларини юритиш тартиби вазифаларини бажариш, қонунийликни таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг муҳим кафолатидир³.

¹Гуценко К.Ф. Уголовный процесс. Учебное пособие. М.: Зерцало, 2005. С. 73.

²Тухташева У.А. Суд ҳатоларини аниқлаш ва батараф қилиш юзасидан юқори турувчи инстанция судлари ваколатлари. Илмий амалий рисола.-Т.,2016.Б.40.

³Тухташева У.А. Суд ҳатоларини аниқлаш ва батараф қилиш юзасидан юқори турувчи инстанция судлари ваколатлари. Илмий амалий рисола.-Т.,2016.Б.41.

Ушбу инстанция судида иш юритишнинг ўзига хослиги шундаки, кассация тартибида шикоят (протест) берилмаган ҳукмларнинг қонунийлигига, асослилигига ва адолатлилигига эришишга қўмаклашиши ҳамда дастлабки тергов, қуйи суд томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатиш, одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш каби муҳим масалаларни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар бир жиноят иши ЖПКнинг 484-моддасига кўра, суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги, ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, ЖПК нормаларининг жиддий бузилганлиги, Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги, жазонинг адолатсизлиги бўйича кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, суд ҳукмларини кассация тартибида ҳар тарафлама текшириш одил судлов олдида турган вазифаларни тўла амалга ошириш учун керак.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ишлари бўйича юқори судда кассация тартибида иш юртишни қўзғатиш талабларидан бири прокурорнинг тегишли судга протест билдиришидир.

ЖПКнинг 478, 498-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, кассация тартибида протест киритади.

Жиноят ишларини кассация тартибида кўришда тарафлардан бири сифатида ишда иштирок этувчи тегишли бўғин прокурори қонуний кучга кирган суд ҳукмида ЖПКнинг 484-моддасида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаганда ёки бу каби ҳолатларга ишни кўришда йўл қўйилган деб ҳисобласа, ушбу қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида юқори турувчи судга мурожаат қилади.

Шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишувини белгиловчи жиноят процессининг

тамойилидан (ЖПК 25-модда) келиб чиқиб, ЖПКнинг 506-моддаси ҳамда Бош прокурорнинг 126-буйруғига кўра жиноят ишларини кассация тартибида кўриб чиқишда прокурор иштироки шарт.

Прокурорнинг суд ҳукми, ажрими ва қарорини кассация тартибида текширишда иштирок этишининг аҳамияти шундаки, мазкур босқичда у ўзининг процессуал ваколатларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда суд хатоларини аниқлаши ҳамда уларни бартараф этишида кўмаклашади.

Жиноят иш юритувининг ушбу босқичида прокурор қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли: суднинг ҳар бир ноқонуний ва асоссиз ҳукм, қарор ва ажримларига протест келтириш, уни асослаб бериш ҳамда бу ҳолда у ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этиши; иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларнинг фикрларини тақдим этиш; оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг енгиллиги учун протест киритиш; экспертиза ўтказиш, кассация тартибида ўзи билдирган протестини қайтариб олиши; кассация тартибида берилган шикоят билан танишиш ва унга нисбатан муносабат билдириш.

Прокурорнинг ишда иштирок этиш сифати ҳамда самарадорлиги унинг процессуал ваколатларини қандачалик аниқ белгиланганлиги ҳамада тўла амалга оширилиши билан ҳам баҳоланади.

Прокурор суд ҳукмининг ноқонуний ёки асоссиз деб топса, кассация тартибида протест билдиради. Прокурорнинг протест тайёрлашдаги вазифаси кассация инстанциясини жиноят иши бўйича ўзи тутган позицияси асосли эканлигига ишонтириш ва суд ҳужжати қонуний кучга кирганига қарама, асосли ажрим чиқарилишига эришишдан иборат.

Ишонарли далил исботлар келтирилган, прокурор талаблари ҳуқуқий жиҳатдан асосланган протестгина ҳукмнинг қонуний ва асосли эканлигини аниқлашда кассация инстанциясига ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, прокурор-кассаторнинг суд хатоларини аниқлаш ва бартараф этишдаги фаоллигининг муҳим меъзонларидан бири бу - унинг

иш учун аҳамиятли бўлган барча маълумотларга эга эканлиги, уларни ўз ўрнида тўғри қўллай олиши ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган “қўшимча материаллар”ни судга тақдим этиш ваколатидир.

ЖПКнинг 481-моддаси мамунига мувофиқ процесс иштирокчилари шу жумладан прокурор иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа қўшимча материалларни тақдим этишга ҳақли.

Қўшимча материаллар кассация инстанцияси судига иш кўрилишидан олдин ёки айнан суд муҳокамаси вақтида тақдим этилиши мумкин. Бу эса ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ишда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим этилган материаллар бўйича амалга оширишини англатади⁴.

“Кассация инстанцияси судида прокурор суд томонидан аниқланган ёки айблов ҳулосасида кўрсатилган айбловни қувватловчи далилларни келтирмайди, фақатгина қонунийликка ва адолатлиликка таъсир қилувчи материалларни тақдим этади⁵”.

ЖПКнинг 482-моддасига кўра суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари қўшимча тақдим этган ёхуд суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни янгитдан кўришда эса, бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосида текширади.

Қўшимча материалларни тақдим қилишдан мақсад – прокурор протестида келтирилган вазларни тасдиқлаш, протест самарадорлигига эришишдир. Шунга кўра, қўшимча материалларни тақдим қилиниши иш бўйича ҳар томонлама тўғри қарор қабул қилинишига, йўл қўйилган суд ҳатоларини тузатишга олиб келади.

Немис процессуалисти К.Роскиннинг фикрига кўра, жиноят процессиданинг барча босқичларида фактик ҳолатларни аниқ белгилаш муҳим

⁴ Тухташева У.А., Вахабов Д.Д. Суд ҳатоларини аниқлаш ва бартараф қилиш юзасидан юқори турувчи инстанция судлари ваколатлари. Илмий-амалий рисола. –Т., 2016. – Б.4.

⁵ Курочкина Л.А. Прокурор в суде апелляционной инстанции:// Российская юстиция. 2010. N 12.-Б.39.

бўлиб, чунки, нотўғри аниқланган ҳолатлар қонунни нотўғри қўлланишига олиб келади⁶.

Шунга қарамай, жиноят-процессуал қонунчилигимизда “қўшимча материаллар” тушунча ёритилмаган, шунингдек, далиллардан фарқли равишда (ЖПК 81-модда) судда “қўшимча материаллар” деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳужжат ёки ашёлар тоифаси келтирилмаган.

Бу эса жиноят процесси қонунчилиги назарияси ва уни қўллаш амалиётидаги, шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришдаги муҳим масалалардан биридир.

Жиноят процессида, хусусан, жиноят ишларини юқори судларда қўришда ва одил судловни амалга оширишда тақдим этиладиган “қўшимча материаллар”нинг тушунчаси ва аҳамияти тўғрисида поцессуалистларимиз У.Тухаева, Б.Пулатовлар, россиялик олимлардан Н. Голимов, Н. Цариев, А.Суховалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

У.Тухташева “жиноят процессуал қонунчилигида “материаллар” атамаси нафақат ёзма ҳужжатлар, балки турли хил нарсалар ва ашёлар ҳам қўшимча материаллар сифатида тақдим этилиши мумкинлиги, чунки материаллар атамаси нарса ва ашёларни ҳам ўз ичига олиши” таъкидлайди⁷.

Н. Громов, Н. Цариевалар эса қўшимча материаллар далиллардан фарқли равишда, жиноят иши юритуви давомида, жумладан, суриштирув, дастлабки ёки суд тергови давомида тўпланмаган турли шакл ва мазмунга эга бўлган ҳужжат ва ашёлар деб таъкидлайди⁸.

Шунга кўра, “қўшимча материаллар” ишга оид тўпланган ишга оид турли хилдаги ҳужжатлар, бир хил мазмунда бўлмаган маълумотлар ҳисобланиши мумкин.

ЖПКнинг 490-моддаси мазмунига кўра кассация инстанцияси суди, агар қуйи суд томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва ЖПКнинг

⁶ Гуценко.К.А., Головки. Л. В., Филимонов., Уголовный процесс западных государств. Изд.2-е, доп.и испр.- Издательство “Зерцапо-м”, 2002. – 471 С.

⁷ Тухташева У.А., Вахабов Д.Д. Суд хатоларини аниқлаш ва бартараф қилиш юзасидан юқори турувчи инстанция судлари ваколатлари. Илмий-амалий рисо. –Т., 2016. Б.4

⁸ Курочкина Л.А. Прокурор в суде апелляционной инстанции:// Российская юстиция. 2010. N 12. Б.39.

484-моддасида кўрсатилган ҳолатларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Ушбу норма талабларига мувофиқ кассация инстанцияси суди нафақат тарафлар тақдим этган қўшимча материалларни қабул қилиш, балки, ўз ташаббуси билан уларни талаб қилиб олиши мумкин. Қўшимча материаллар суд тергови давомида, гувоҳлар ва биринчи инстанция суди томонидан сўроқ қилинмаган шахсларни сўроқ қилиш, турли хил ёзма ҳужжатларни талаб қилиб олиш натижасида, экспертизалар тайинлаш натижасида, шунингдек, тегов оганларига ЖПКнинг 149, 170, 290, ва 398-моддаларда (мурдани эксгумаия қилиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, мулкый зарарни қоплашни таъминлаш мақсадида мол-мулкни хатлаш) кўрсатилган тергов ҳаракатларини бажаришни топшириш орқали орқали тўпланиши мумкин⁹.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 383-моддаси биринчи бандига кўра жиноят процессининг иштирокчилари ишларни кассация тартибида юритишда қўшимча материалларни тақдим қилиши мумкин. Ушбу материаллар ишни судда кўришда ёки суд мажлиси давомида ҳам тақдим қилиниши мумкинлиги белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи бандининг мазмунига асосан тақдим этилган иш учун ахамиятли бўлган маълумотлар текширишни талаб этган, ушбу маълумотлар ишни қайта кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш учун асос бўлади.

Россия Федерацияси Олий Суди Пленумининг 28.01.2014 йилдаги № 2-сонли “Кассация инстанцияси судида иш юритишни тартибга солувчи Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси 47.1-боби нормаларини қўллаш тўғрисида” ги қарорида ишончли фактлар, суд томонидан текшириш талаб этилмайдиган ҳужжатлар қўшимча материаллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги кўрсатилган (жавобгарликка тортиш ёшида эканлиги

⁹ Тухташева У.А., Вахабов Д.Д. Суд ҳатоларини аниқлаш ва бартараф қилиш юзасидан юқори турувчи инстанция судлари ваколатлари. Илмий-амалий рисола. –Т., 2016.Б.20.

тўғрисидаги ҳужжат, амнистия акти ёки бошқа суднинг ҳужжати кабилар шулар жумласидандир).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ишларни кассация инстанцияси судида иштирок этувчи прокурорнинг вазифа ва ҳуқуқларини янада аниқлаштириш ва тўлақонли амалга оширилишининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида процесс иштирокчиларининг шу жумладан прокурор-кассаторнинг процессуал ҳаракатларининг предметларидан бири бўлган “қўшимча материаллар” тушунчаси ва турларига ягона таъриф бериш лозим.

Шу муносабат билан, биз Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги 5-сонли “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига қуйидаги мазмундаги бандлар киритилишини таклиф этамиз.

“Қўшимча материаллар - шахснинг айбдор (айбсиз)лигини тасдиқлайдиган ёки судланувчининг шахсига оид маълумотнинг мавжуд (мавжуд эмас)лиги тўғрисида ёзма ҳужжат шаклидаги маълумот.

Бу каби ҳужжатлар тоифасига – жиноят процесси иштироки томонидан тақдим этилган шахснинг ногиронлиги, судланганли, касаллиги, яшаш жойидан маълумотнома, ижтимоий аҳволи тўғрисидаги маълумотнома каби ҳужжатлар қўшимча маълумотлар сифатида тақдим этилиши мумкин”.

Жиноят-процессуал қонунчилигига таклиф этилаётга ушбу норма суд музокарасида прокурорнинг протестида келтирган важларини асослашга, иш юзасидан келтирилган кассация шикоятда келтирган важларига давлат вакили сифатида ҳуқуқий баҳо беришида ёрдам беради.

Кассация инстанциясига иштирок этаётган прокурор судга қонуний қарор қабул қилишда ёрдам бериш учун жиноят иши юзасидан ҳар бир иш материали унинг диққат марказида бўлиши лозим.

Процессуал жиҳатдан мустақилликка эга бўлган прокурор ўз хулосаси билан кассация инстанцияси судига қисқа вақт ичида жиноят иши

материалларини текшириш ва ноқонуний ёки асоссиз ҳукимни бекор қилиб ёки ўзгартириб моҳиятан қонуний қарор қабул қилишга ёки ҳукми ўзгаришсиз қолдиришга ёрдам беради.